



Жазоир Франция ҳукмронлиги остида. 1830 йилда 100 та харбий ва 357 та юк кемаларига жойлашган 35 минг аскар ва 4 минг отдан иборат кўшин Жазоир юришига тайёр холга келтирилди. Курукликдаги кўшинга генерал Бурман, флотга эса вице-адмирал Дюперре бошчилик килишди. Французлар 1830 йил 14 июнда каршиликсиз Сиди Феррухга келиб тушишди. Улар хали мустаҳкам ўрнашмай туриб 19 июн куни Иброхим Али бошлик 30 минг кишилик турк кўшинининг хужумига учрашди. Французлар тўқнашувда голиб бўлишди ва жазоирликларнинг барча қурол-яроқларини ўлжа килиб олишди. Шундан сўнг, Жазоир шаҳри ҳам курукликдан, ҳам денгиздан тўпга тутилди. 5 июл куни дей кўшинининг эркин чекиниши шарти билан таслим бўлди. Жазоирнинг бутун флоти, қуроллари ва 50 млн франк миқдоридаги давлат хазинаси французларга ўтди.

Жазоир истило килингандан сўнг, 2 француз эскадраси Тунис ва Триполига юборилиб, уларни денгизда қарокчилик килишдан воз кечишга мажбур килишди. Французлар Бону,

Оран ва Бужио каби порт шаҳарларни эгаллаб, Константинадан бўлган хужумни бартараф этишди. Кабил кабиласи эса Блидага юриш килаётган француз бўлинмаларига зарба берди.

Францияда содир бўлган июл инкилобидан сўнг, Фурман чакиртириб олинди, унинг ўрнига Клозель тайинланди. Ноябрда Титтерий бейи кўшини маглубиятга учради ва Блида шахрини французлар босиб олишди. Атлас тоғларигача бўлган ҳудудни истило қилиш ўз олдига мақсад қилиб олган Клозей Тунис бейин билан тузган битими Луи Филипп ҳукуматига ёқмади ва у 1831 йил февралда зудлик билан чакиртириб олинди. Унинг ўрнига 1831 йил 2 июлда Тениас юришида маглубиятга учраган генерал Бертезен тайинланди. Бертезен ўрнига Савари (герцог Ровиго) тайинланди. У маҳаллий аҳолига нисбатан ўта шафқатсиз бўлиб, уларни французларга қарши қилиб қўйди. Шунда унинг ўрнига 1832 йилда генерал Авизар қўйилди. Шу вақтда 30 та кабилани бирлаштирган ва Маскара амири деб эълон қилинган Абдулқодир французларга қарши кураш бошлади. Жазоирдаги Абдулқодир кўзғолони (1832-1847).

Абдулқодир Жазоирий (1808 йил 6 сентябр – 1883 йил 26 май, Дамашк) – саркарда, олим, шоир, нотик. У ёшлигидан Жазоирнинг қароқчи дейлари томонидан таъқиб қилинган. Шунинг учун у Мисрга қочган ва кейинчалик Маккага бориб ҳажни ўтаган. 1832 йил май – 1847 йил декабрда жазоирликларнинг французларга қарши миллий озодлик ҳаракати раҳбари бўлган. Абдулқодир 1847 йил 22 декабрда генерал Ламорисьерга таслим бўлган ва Францияга жўнатиб юборилган. Францияда Наполеон III уни озод қилгунча унга ва унинг яқинларига яхши муносабатда бўлишди. Абдулқодир 1852 йил 21 декабрда Бурсага қўчиб ўтди, сўнг умрининг охиригача Дамашкда яшади.

Кўзғолон 1832 йил май ойида Оран виоятида бошланди. Шиддатли курашлар ва маглубиятлардан сўнг французлар 1834 йил 26 февралда сулҳ тузишди. Лекин июлда ҳарбий ҳаракатлар қайтадан бошланди ва французлар учун муваффақиятсиз бўлди. Клозель қайтадан Жазоирдаги француз кўшинига бошлик этиб тайинланди, бироқ кўзғолон бутун мамлакат бўйлаб тарқалишда давом этди, амирнинг обрўси эса тобора ошиб борди. Клозель қайтадан чакириб олинди ва генерал Дамремон унинг ўрнига генерал-губернатор этиб тайинланди. Французлар яна бир қатор маглубиятларга учраб 1837 йил май ойида сулҳ тузишга мажбур бўлишди. Сулҳга кўра, французлар Абдулқодирни Ўрбий Жазоирнинг қатта қисмида ҳукмронлигини тан олишди. Абдулқодир тезда ўз давлатини тузди ва пул зарб эттира бошлади, бир қатор ислохотлар ўтказиб мунтазам қўшин тузди.

1838 йил 18 октябрда французлар тинчлик сулҳини бузиб Константина шахрини истило қилдилар, 1843 йилга келиб Абдулқодир давлатининг қатта қисмини босиб олишди. Абдулқодир французларга қарши курашаётган Марокаш ҳудудига яширинди. Бироқ Марокаш урушда маглуб бўлгач, Абдулқодир у ердан чиқариб юборилди. 1845 йилда Абдулқодир Жазоирда яна кўзғолон қўтарди. 1847 йил мобайнида французлар Абдулқодир кўшинини бир неча марта маглуб этишди ва 22 декабрда Абдулқодир ўз ихтиёри билан асирга тушди. Жазоир 1848 йилда Франция ҳудуди деб эълон қилинди, унинг ҳудуд департаментларни бирлаштирган префектларга бўлинди.

1848 йилда бўлган инкилоб Франциянинг Жазоирдаги ҳукмронлигини мустаҳкамлашда бир қатор қийинчиликлар келтириб чиқарди. 1848-1852 йилларда бир неча генерал-губернаторлар алмаштирилди. 1851 йил декабрдаги давлат тўнтаришидан сўнг тахтга чиққан Людовик Наполеон Жазоирга генерал Рандон (1851-1858)ни жўнатди. 1852 йил декабрда Пелисса ва Юссуф бошлик француз кўшини Лагуат воҳасини истило

килди, бир вақтнинг ўзида мамлакат жанубидаги Мзаб қабиласи французлар химясига ўтди. 1853-1854 йилларда эса французлар Кабил қабиласига қарши уруш олиб борди. 1854 йилда Лагуат воҳасидаги кўзғолон, Туггурта ва Суфа воҳаларининг тўлик босиб олиниши билан тугади. Французлар кейинги йилларда Варглу воҳасини истило қилишди ва Сахрои Кабир шимолидаги Туарег қабиласини асоратга олишди. Африканинг ичкарисигача кириб боришни кўзлаган Франция Сахрои Кабирда тадқиқот ўтказилди ва бир неча бор Сенегал ва Тумбукту билан қаровон қатнашни йўлга қўйишга уринишлар бўлди.

1856-1857 йилларда Кабил қабиласига қарши олиб борилган юриш натижасида французлар бутун Жазоир устидан назорат ўрнатилди.

1864 йил бошларида французлар ўз хизматларидаги бир араб бошлигининг қотибини арзимас айби учун қаровон билан қаровон қилишди. Бу арабларда энг оғир жиноятларга бериладиган жазо бўлгани учун Оран минтақасида кўзғолон қўтарилишига сабаб бўлди. Уларга Богари вилоятидаги қабилалар ҳам қўшилишди. 13-14 май кунлари Делинья ва Юссуф бошлик французлар қўшини икки тўқнашувда арабларни енгди. Йил охиригача эса кўзғолончилар бирин-кетин бўйсундирилдилар.

1865 йилда Наполеон III Жазоирга келди ва 5 март куни арабларга миллий эркинликлари ва мол-мулклари дахсизлиги ҳақида прокламацияни қўйди. Жазоирликлар буни французларнинг заифлиги деб қабул қилишди ва императорнинг қотиби билан Кабилия ва Оран вилоятларида кўзғолон қўтарилди. 1865-1867 йилларда французлар кўзғолончиларга қарши бир қатор юришлар ўтказилди. 1867 йил бошида французлар Голандияда жазоирликларни қўлга олишди. Шундан сўнг Жазоирда қисқа муддат тинчлик ҳукм қилди.

1870 йилда жазоирликлар француз мутамлакачиларига қарши йирик кўзғолон қўтарилди. Айни шу вақтда Франция-Пруссия уруши бўлаётгани сабаб француз аскарлари жанг Европага олиб қўйилган. Францияда республика тузumi ўрнатилган, Жазоирга бир қатор қўроқ эркинликлари берилди. Масалан, жазоирлик яҳудийларига Франция қўроқлиги берилди.

1871 йил январда Жазоирда янги кўзғолонлар қўлга олиниши ва 1879 йилгача давом этди. 1871 йил баҳорида деярли бутун Жазоир кўзғолон ичида қолди. Лекин Франция-Пруссия урушининг тугаши ва Париж қўроқсининг қўлашидан сўнг французлар Жазоирда яна қўроқликларни давом эттирилди. Кўзғолон 1879 йилда французларнинг Батнада жазоирликларни қўлга олишдан сўнг қўлга олиниди. Кейинги йил тинч ўтди, бироқ 1881 йилда Крумир қабиласи Константина шаҳридаги француз гарнизонига ҳужум қилди.

Франция ҳукумати бундан фойдаланиб Тунисни бўйсундириш учун юриш бошлади. 24 апрелда француз қўшини Ум Табул ва Сук ар-расдан ўтиб мамлакат ичкарисига кириб борди. Француз эскадраси эса Табарка оролини босиб олди. 26 апрелда Кефни олиб, 28 апрелда Тунисга элтувчи Сук ул-Арбага етиб қолди. 1 май куни Тулондан жўнатилган эскадра Бизертуни олди. 11 май куни генерал Бреар бошлик француз қўшини Тунис шаҳрини босиб олиш учун ҳаракат бошлади. Крумир қабиласи ва Тунис бейи французларга умуман қаршилик қўрсатмади ва улар 12 май куни Тунисни истило қилишди. бей Тунисни Францияга қарамлигини эътироф қилди, бунинг эвазига французлар бей сулоласининг тахтда қилишига қўроқ берди. Шунингдек, Тунис чет давлатлар билан қўроқлик музоқара олиб бориш ҳуқуқини йўқотди. Жуда қисқа муддатда Табарка, Бизерта, Голетта, Кеф, Сук ул-Арба ва бошқа шаҳарларни олган

француз кўшини, 16 ва 27 июл кунлари Сфакс ва Гебесдаги йирик гуруҳларни маглуб этиб мазкур шаҳарларни истило килди. Сентябрьда эса Тунис жанубидаги Кайрувонда кўзголон кўтарилди. Генерал Соссье бошлик француз кўшини 26 октябрда Кайрувонни босиб олди.

“Шаркнинг машхур сулолалари” китобидан